



Andijon viloyati Sog'liqni saqlash boshqarmasi boshlig'ining

BUYRUG'I

2022 - yil " 1 " dekabr № 167

Andijon sh.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги "Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-244-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги "Алкоголь, гиёҳвандлик воситалар таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 644-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 24 ноябрдаги "Мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш туманлааро пунктлари фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида"ги 306-сонли буйруғига мувофиқ мастлик ҳолатида бўлган, мустақил ҳаракатланиш қobiliятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларини тегишлилиги бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги туман-шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг умумий ўринлар ва штат бирликлари доирасида ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ташкил этиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги "Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-244-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги "Алкоголь, гиёҳвандлик воситалар таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида"ги низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 644-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 ноябрдаги 306-сонли "Мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш туманлараро пунктлари фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида"ги №306-сонли буйруғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Асака, Балиқчи Бўстон, Қўрғонтепа, Жалакудук ва Пахтаобод, туман тиббиёт бирлашмалари таркибида 10 ўриндан кам бўлмаган

“Мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш туманлараро пунктлари ташкил этилсин.

Бунда, алкоголь, гиёҳвандлик воситалар таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги “Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш тўғрисида “ги 644-соли қарор билан тасдиқланган Низом талаблари асосида амалга оширилсин.

3. Асака, Балиқчи Бўстон, Қўрғонтепа, Жалақудуқ ва Пахтаобод, туман тиббиёт бирлашмалари бошлиқларига:

- Мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш туманлараро пунктлари фаолияти 2023 йил 1 январдан бошлаб Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 306-сонли буйруғининг барча иловаларига асосан иш ташкиллаштирсин.

- Мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш туманлараро пунктларида ишга қабул қилинаётган шифокорлар рўйхати шакллантирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва Меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан 2022 йил 31 августда тасдиқланган (06-211/кх; 10-18-48; 05/12-03-12/15) туман тиббиёт бирлашмалари ва уларнинг таркибида туман (шаҳар) шифохоналари тиббиёт, фармацевт ва бошқа ходимларнинг штат меъёрлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин;

“Мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш туманлараро пунктлари”ни тегишлилиги бўйича тиббиёт бирлашмаларининг умумий ўринлар ва штат бирликлари доирасида ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ташкил этиш учун штатлар жадвалини ҳудудий молия бўлимларидан белгиланган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этилишини таъминласин.

5. Кадрлар бўйича бош мутахассиси Ш.Атабоев туманлараро пунктларда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш туманлараро пунктларида ишга қабул қилинган нарколог бўлмаган шифокорларни тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида 36 соатлик ўқишни режалаштириш чоралари кўрилсин.

6. Ушбу буйруқ ижросини назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарма бошлиғи:

А.Мирзажонов